# ШАРТНОМА № 41

2022 йил 29. 07                                                                 Тошкент шаҳри

“ KDFLB INTERNATIONAL AUTO LOGISTICS ” МЧЖ номидан устав асосида фаолият юритувчи Бош директор К.Ш.Шаюсупов (бундан кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) биринчи томондан ва Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ проректори Ёдгаров В (бундан кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар асосида туздик:

## 1. Шартнома предмети

1.1. Ушбу шартномага асосан “Ижрочи” “Буюртмачи”га ходимларни Ўзбекистон Республикасида жойлашган ҳудудларга ташиш бўйича автотранспорт хизматларини кўрсатади. “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаб беради.

1.2. Автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналиши келишилгандан кейин у мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Йўналиш келишилмай туриб, “Буюртмачи”га транспорт хизматлари кўрсатилмайди.

1.3. Автотранспорт хизматларини кўрсатиш куни, вақти келишувга асосан белгиланади.

## 1. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. **“Ижрочи”**нинг мажбуриятлари:

2.1.1. автотранспорт хизматларини кўрсатишда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш;

2.1.2. автотранспорт хизматларини келишилган кунда, вақтда кўрсатиш;

2.1.3. техник сабабларга кўра автотранспорт воситалари ишдан чиққанда ёки ҳайдовчи касал бўлиб қолганда, автотранспорт воситаларини ёки ҳайдовчиларини алмаштириш;

2.1.4. ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, ҳайдовчи иш ҳақи ва бошқа харажатларни ўз ҳисобидан қоплаш.

2.2. **“Буюртмачи”**нинг мажбуриятлари:

2.2.1. автотранспорт хизматларини кўрсатганлик учун тўловни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш;

2.2.2. автотранспорт хизмати кўрсатилгандан кейин ҳайдовчининг йўл варақасига автотранспортнинг фойдаланишда бўлган вақти ва босиб ўтган масофаси тўғрисидаги белгини қўйиш;

2.2.3. Ҳайдовчини яшаш жойи билан, автотранспорт воситасини эса, сақлаш жойи билан таъминлаш.

## 2. Шартноманинг қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1.Автотранспортларда хизматларини кўрсатганлик учун шартномани умумий қиймати 93 600 000 ( Тўқсон уч миллион олти юз минг) сўм белгиланади.

3.2“Буюртмачи” олдиндан ёки иш бажарилиб бўлгандан кейин транспорт хизматининг 30 % дан кам бўлмаган миқдорини “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига ўтказади,қолган 70 % миқдорини иш бажариб бўлгандан кейин Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига ўтказади

3.3. Автотранспорт хизмати учун тўлов ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 иш куни ичида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Агар “Буюртмачи” автотранспорт хизмати учун тўловни 3 иш куни ичида амалга оширмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлиқ тўловнинг 0,4% миқдорида, “Ижрочи”га пеня тўлайди. Бунда пененинг умумий миқдори тўлиқ тўловнинг 5% дан ошмаслиги керак.

4.2. Автотранспорт хизматлари вақтида кўрсатилмаса, “Ижрочи” “Буюртмачи”га тўлиқ тўловнинг 5% миқдорида жарима тўлайди.

4.3. Томонлар жавобгарликларининг ушбу шартномада кўрсатилмаган турлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси нормаларига асосан қўлланилади.

## 5. Келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби

5.1. Ушбу шартномани бажаришда юзага келадиган келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро музокаралари ва келишувлари орқали, шу жумладан талабнома тартибида, ҳал қилинади.

5.2. Агар томонлар юзага келган келишмовчиликларни ўзаро ҳал қила олишмаса, қонунчилик нормаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли суд органларига мурожаат қилишади.

## 6. Якунловчи қоидалар

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш киритиш ёзма равишда иккала томоннинг вакиллари имзо чеккандан кейин амалга оширилади. Шартномага илова қилинган ҳужжатлар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади

6.2. Шартнома 2022 йил 29 июля дан 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

6.3. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилади ва иккаласи ҳам бир хил кучга эга.

## 7. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

| **«ИЖРОЧИ»:** | **«БУЮРТМАЧИ»:** |
|---|---|
| **KDFLB INTERNATIONAL AUTO LOGISTICS " МЧЖ** | Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека |
| Юридик манзили: Тошкент шахри Олмазор тумани, Шифокор кўчаси 41-а уй | город Ташкент, Вузгородок, улица Университет-4 |
| Ҳ/р: **20208000405456380001** | Л/С 400910860262807 094 100079001 |
| Банк номи: **" Давр Банк "нинг Олмазор филиали** | ИНН-200845944 (НУУз) ОПЕРУ Казначейство МФ РУз<br>банк: РКЦ ГУ ЦБ г.Ташкент |
| МФО: **01121** СТИР: **309 008 044** | Р/С 23402000300100001010 |
| ИФУТ: **49310** Тел.:(+998 99 ) 827-76-66 | ИНН: 201122919 (МФ), МФО 00014 ОКОНХ 92110 |
| **Бош директор** ________ **К.Ш.Шаюсупов** | Яхяева Г.Х |

KDFLB INTERNATIONAL AUTO LOGISTICS — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI — MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI







O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI — THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

## LITSENZIYA
## LICENCE
## ЛИЦЕНЗИЯ

| | |
|---|---|
| Seriyasi: / Serial: / Серия: | AT № 2014982 |
| Faoliyat turi: / Type of activity: / Вид деятельности: | Йўловчиларни шаҳарда шаҳар атрофида шаҳарлараро микроавтобус ҳамда автобусларда ташиш<br>Городские пригородные междугородные перевозки пассажиров микроавтобусами и автобусами |
| Litsenziya egasi: / Licence owner: / Владелец лицензии: | "KDFLB INTERNATIONAL AUTO LOGISTICS MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT" Общество с ограниченной или дополнительной ответственностью |
| Pochta manzili: / Postal adress: / Почтовый адрес: | Ташкентская область, Тошкент тумани, SHIFOKOR 41-A-UY |
| Bank rekvizitlari va STIR: / Bank references and TIN: / Банковские реквизиты и ИНН: | Х/г 20208000405456380001 MFO 01121 STIR 309008044 Давр банк Алмазарский филиал OKED 49310 |
| Berilgan sanasi: / Date of issue: / Дата выдачи: | 05.11.2021 |
| Litsenziyaning amal qilish muddati: / This licence valid: / Срок действия лицензии: | Cheklanmagan |
| Litsenziya beruvchi organ: / Licence issued authority: / Орган выдавший лицензию: | O'zbekiston Respublikasi Transport vazirligi Toshkent viloyati transport boshqarmasi |
| Quyidagi hujjatga asosan berilgan: / Issued on the basis of: / Выдана на основании: | Vazirlar Mahkamasining 30.07.2019 yildagi 636-sonli Qarori |
| Litsenziya reyestrda: / The licence is registered in Register Board under №: / Лицензия зарегистрирована в реестре за № | 8662618 -sonli raqam bilan qayd etildi |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
KDFLB INTERNATIONAL AUTO LOGISTICS

01.11.2021 Davlat xizmatlari markazi

4518214

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"KDFLB INTERNATIONAL AUTO LOGISTICS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"KDFLB INTERNATIONAL AUTO LOGISTICS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

01.11.2021 1058247 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 309008044

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Olmazor tumani, SHIFOKOR 41-A-UY,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Olmazor tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Харид комиссияси раиси
Ўзбекистон Миллий университети

проректори ____________В.Ёдгаров

"29" июль 2022 йил

**Б А Ё Н Н О М А**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаларини Чорвоқ ўқув дала амалиёт базасига олиб бориш ва олиб келиш хизмати бўйича "Давлат харидлари ахборот порталига" 2022 йил 08 июлда лот рақами **22110012120573-**сон бўлган, **95 550 000** сўм қийматдаги эълоннинг якуний натижари бўйича баённома расмийлаштирилди.

Мазкур баённомага асосан қуйидагилар маьлум қилинди:

"Қалдирғоч Мавлюда" ХК – **93 600 000** сўм (40 балл)

"KDFLB INTERNATIONAL AUTO LOGISTICS" МЧЖ **- 93 600 000** сўм (47 балл)

Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари" тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сон Қонунининг, 62-моддаси, 3-бандига асосан икки иш кунига муҳокама учун жойлаштирилган эди.

2022 йилнинг 28 июль кунига қадар, **22110012120573 -**сонли лот бўйича таклиф берган иштирокчилар томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмагани боис, университет Харид комиссиясининг баҳолаш мезонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари" тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сон Қонунининг, 62-моддаси, 4-бандига асосан, "KDFLB INTERNATIONAL AUTO LOGISTICS" МЧЖ – **93 600 000** (тўқсон уч миллион олти юз минг) сўм қийматда берилган таклиф, энг яхши таклиф деб топилганлиги муносабати билан университет ҳамда "KDFLB INTERNATIONAL AUTO LOGISTICS" МЧЖ ўртасида ўрнатилган тартибда шартнома имзоланишига қарор қилинди.

**Харид комиссияси аъзолари:**

Г.Яхяева

Б.Рахмонов

Б.Джалолов

У.Мусурмонов

С.Мамашарифов

Баҳолаш мезони иловада кўрсатилган.